

**Арифджанова Яйрахон Усмонхўжаевна:** *“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида халқаро молия институтларидан капитал жалб қилиш масаллари”*. (5A230602 – “Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори”).

**Илмий раҳбар:** и.ф.д., профессор Тошмуродова Б.

**Магистрлик диссертацияси мақсади.** Ушбу магистрлик диссертация ишининг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида халқаро молия институтларидан капитал жалб қилишни самарали ташкил этиш қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Магистрлик диссертацияси вазифалари:**

- халқаро молия институтларининг мақсади, вазифалари ва фаолият йўналишларини ўрганиш;
- халқаро молия институтларининг инвестицион жараёнлардаги ўрни ва аҳамиятини илмий асослаб бериш;
- мамлакатимиз иқтисодиётига халқаро молия институтларидан жалб қилинаётган капиталнинг ҳолатини таҳлил қилиш, бу борада мавжуд муаммоларни аниқлаш ва хулосалар чиқариш.
- миллий иқтисодиёт тараққиётига халқаро молия институтларидан жалб қилинаётган капиталнинг таъсирини таҳлил қилиш ва илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиш;
- халқаро молия институтларидан капитал жалб қилишни самарали ташкил этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.